
Маҳалла “еттилиги” фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича очиқ мулоқот бўлиб ўтди.

Данғара тумани ҳокимлигида маҳалла “еттилиги” фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича туман ҳокими, мутасадди ташкилот раҳбарлари, маҳалла еттилиги ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида очиқ мулоқот бўлиб ўтди.

Очиқ мулоқот давомида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг вакиллари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-402-сонли қарор мазмун-моҳияти кенг тушунтирилиб ўтилди.

Шунингдек, тумандаги маҳаллаларда аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар мустаҳкамлиги, ёшлар тарбиясига эътибор қаратиш юзасидан ўз тавсияларини бериб ўтилди.

Туман ҳокими маҳаллалар еттилиги фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва бу борадаги вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди. Маҳаллаларда самарали ишларни йўлга қўйган бир гуруҳ маҳалла ходимлари муносиб тақдирланди.

2024-02-28 18:49:30